

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Рўйхатга олинди  
№ МО 10-13  
2020 йил**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта маҳсус таълим вазирининг  
2020 йил “7” декабрь даги  
648 - сонли буйруғи билан  
тасдиқланган.**

**“Мусиқа таълими”**

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўкув дастури

Тошкент – 2020

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Қайта тайёrlаши ва малака ошириши курсининг ўқув дастури Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим йўналишилари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини*

*Мувофиқлаштирувчи кенгашининг*

*2020 йил 30-октябрдаги 6-сонли баённомаси билан маъқулланган.*

**Тузувчилар:**

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”  
модули: ю.ф.н., проф. В.Топилдиев, т.ф.н., доц. Б.Ш.Усмонов,  
т.ф.н., доц. Р.А.Хабибуллаев.

“Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш” модули:  
и.ф.д., проф. Р.Нуримбетов, и.ф.д., проф. Ф.Назарова, п.ф.н., доц.  
М.Дехканова.

“Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш” модули:  
п.ф.д., проф. Н.Муслимов, катта ўқитувчи Р.Ишмухамедов.

“Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш”  
модули: п.ф.д., проф. Ф.Закирова, ф.-м.ф.н., доц. В.Каримова.

“Маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модули:  
катта ўқитувчилар Ф.Бойсариева, Н.Джабборова, С.Таджибаева,  
У.Гиясова, Ш.Файзуллаева.

“Мутахассислик фанлари” модули: с.ф.н., доц. Қ.Панжиев,  
п.ф.ф.д. Н.Режеметова, доц. Д.Каримова, п.ф.н., доц.  
М.Мамаражабов.

**Тақризчилар:**

п.ф.ф.д. (PhD) Н.Режеметова - “Мусиқа таълими” кафедраси  
мудири.

**Хорижий эксперт:** PhD доктори Франк Лапер - Ponter de Parij  
№10 университети (Париж).

*Ўқув дастури Тошкент давлат педагогика университети Кенгашининг қарори  
билин тасдиқка тавсия қилинган (2020 йил 27 августдаги 1/3.б.-сонли баённома).*

## **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари, 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4623-сонли Қарори, 2020 йил 30 сентябрдаги Ўқитувчи ва мураббийлар қунига бағишлиланган тантанали маросимдаги “Ўқитувчи ва мураббийлар—янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суюнчимиздир” номли нутқи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий професионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли мусиқаларни жорий этиш, маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли мусиқалар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш,

вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» мусиқаларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қўйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

### **I. Педагогнинг профессионал фаолиятидаги инновациялар**

- 1.1. Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш.
- 1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.
- 1.3. Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш.

### **II. Педагогнинг ахборот ва коммуникатив компетентлигини ривожлантириш**

- 2.1. Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш.
- 2.2. Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.

### **III. Мутахассислик фанлари**

3.1. Мусиқа таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва ривожлантириш стратегиялари.

3.2. Мусиқашунослик, этномусиқашунослик қонуниятлари, ўқитувчининг ижрочилик маҳорати асослари.

3.3. Мусиқа таълими фанларини ўқитишнинг инновацион муҳитини лойиҳалаш.

3.4. Педагогик тадқиқот натижаларини таҳлил қилувчи ахборот тизимлари.

### **IV. Малакавий аттестация**

#### **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг вазифаларига қўйидагилар киради:

- “Мусиқа таълими” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;
- мутахассислик фанларини ўқитиши жараённига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;
- мутахассислик фанлар соҳасидаги ўқитишининг инновацион мусиқалари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;
- “Мусиқа таълими” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

### **Курс яқунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш”, “Таълим жараённига рақамли технологияларни жорий этиш”, “Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Мутахассислик фанлари бўйича тингловчилар қуидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- мусиқа таълимининг ғоялари, назариялар, қонуниятлари ва тамойиллари ва замонавий концепцияларини;
- мусиқа таълимининг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари ва йўналишларини;
- мусиқа таълими фанлари интеграцияси натижасида шаклланган соҳа тармоқлари ва уларнинг илмий-тадқиқот методлари ва уларни ривожлантириш стратегияларини;
- мусиқа таълими ўқитувчиларини тайёрлашнинг илмий-тадқиқот масалаларини;
- мусиқа таълими ўқитувчисига қўйиладиган замонавий талабларни;
- Ўзбекистон Республикасида мусиқа таълимини ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини;

- ўзбек мусиқа мероси қатламлари халқ мусиқаси, оғзаки анъанадаги касбий мусиқа, достончилик ижодиёти, фольклор ва мақом санъати уларнинг қадимий тарихи ва фалсафий илдизларини;
- мусиқа санъати йўналишларида илмий-назарий тадқиқотлар, ўкув-услубий адабиётлар яратиш, “Устоз-шогирд” мактабларини;
- ўзбек мусиқашунослиги асослари, унинг шаклланиш даврлари, дунё мусиқашунослик илмини ривожланишидаги аҳамиятини;
- этномусиқашунослик унинг халқ ижодиётидаги ўрни ва аҳамиятини;
- ўзбек мусиқасининг таркиб топиш қадриятлари, анъана, қадрият, урфодат, маросим мусиқаси ва унинг мусиқа ўқитувчиси фаолиятидаги аҳамиятини;
- ўзбек мусиқасида ижрочилик мактаблари, чолғу ижрочилигини мактаблари, хонандалик маҳорати асосларини;
- ўқитувчининг мусиқий педагогик маҳорати, унинг ривожланиш босқичлари, аҳамияти, хусусиятларини;
- мусиқа ўқитувчининг ижрочилик маҳорати, мусиқий маҳорати асосларини;
- ўзбек миллий мусиқа чолғулари, ўзбек халқ чолғулари ва уларнинг ижрочилик мактаблари, ижрочилик асарлари, улардаги ижрочилик мактабларини;
- касбий соҳасидаги педагогик тадқиқотларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларни ташкил этиш ва ўтказишдаги ёндашувларни;
- тадқиқот натижаларини таҳлил қилувчи ахборот тизимлари ва дастурларни **билиши** керак.

### **Тингловчи:**

- методология ва замонавий методологик ёндашувларни танқидий таҳлил ва таснифлаш;
- мусиқий асарларни босқичма-босқич такомиллаштириш;
- тинглаш маданиятини шакллантириш;
- олий таълим муассасалари мусиқий фанларини ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;
- мусиқий фанларни ўқитишнинг моҳияти, мазмуни, мақсади ва вазифаларини тўғри белгилаш;
- мусиқий фанларни ўқитишда қўлланиладиган шакл, метод ва воситаларни мазмунга мос танлаш;
- мусиқий фанларни ўқитишда педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш;
- педагогик тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш;

- танланмалар ва гипотезаларни шакллантириш;
- электрон жадваллар ва статистика дастури ёрдамида корреляцион таҳлилини ўтказиш **қўникмаларига** эга бўлиши зарур.

**Тингловчи:**

- мусиқа ўқитувчисининг чолғу ижрочилиги ва хонандалик маҳоратини ривожлантириш бўйича амалий тажрибаларни амалиётга тадбиқ этиш;
- мусиқий фанларни ўқитишида инновацион технологияларга асосланган маъруза, семинар, амалий, лаборатория ва мустақил таълим машғулотларини ташкил этиш;
- мусиқий фанлар бўйича муаммоли вазият, Кейс-стади, ижодий топшириқларни ишлаб чиқиш;
- педагогик тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилишдаги замонавий ёндашувлар, методлар ва воситалардан фойдаланиш;
- педагогик тадқиқотларда статистик методларидан ўз тадқиқотларида фойдаланиш;
- тадқиқот натижаларини таҳлил қилувчи ахборот тизимлари ва дастурлар ёрдамида статистик ва корреляцион таҳлилини ўтказиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

**Тингловчи:**

- мусиқий фанларни ўқитишида илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш;
- мусиқий фанлардан дарслклар, ўқув-методик қўлланмалар, электрон дарслклар, портфолио, ўқув курсининг электрон-таълим ресурслари ва силлабусини яратиш;
- иқтидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш;
- педагогик тадқиқотларда статистик методларни ўз тадқиқотларида қўллаш;
- тадқиқот натижаларини таҳлил қилувчи ахборот тизимлари ва дастурларга статистик функцияларини киритиш ва натижалар таҳлилини ўтказиш **компетенциясига** эга бўлиши лозим.

### **Курс ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўқув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажralмаган ҳолда мустақил малака ошириш усуллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир ҳафтадаги ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффакиятли ўтган курс

тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака атtestати берилади.

## **“МУСИҚА ТАЪЛИМИ” ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИНИНГ ЎҚУВ МОДУЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ**

### **I. ПЕДАГОГНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ФАОЛИЯТИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР**

#### **1.1. Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш.**

Хорижий давлатлардаги кредит таълим тизимлари: Америка Кўшма Штатлари кредит тизими (USCS), Кредитларнинг тўплаш ва ўtkазишнинг Британия тизим (CATS), Европа кредит тизими (ECTS), Университет кредитларини ўtkазишнинг Осиё - тинч океани тизими (UCTS). Кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари. Кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил ишини режалаштириш ва ташкил қилиш. Кредит-модуль тизимида педагоглар фаолияти. Кредит-модуль тизимида ўқув жараёнининг услубий таъминоти. Силлабус. Таълим натижалари (Блум таксономияси асосида). Билим даражалари. Таълим натижаларини баҳолаш усуллари.

Таълим соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари. Таълим соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асослари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимига оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари. Давлат таълим стандартлари, тегишли таълим (мутахассислик) йўналишлари бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фандастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўқув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари.

## **1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.**

Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ҳамда “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикасида илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикасида илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг мақсади, вазифаси ва унинг методологик асослари. Илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш ва инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий асослари. Илмий ишланмалар ва тижоратлаштириш объектлари. Инновацион ишланмалар, давлат илмий-техник дастурлари, лойиҳалари, стартап-лоиҳаларни расмийлаштириш. Олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштиришнинг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш.

Замонавий университетларда технологиялар ва лойиҳа бошқаруви. Фан, ихтирочилик ва технологиялар трансферини ривожлантириш ва инновацион фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш.

Инфратузилма ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш. Таълим тизимини такомиллаштириш ва инсон капиталини ривожлантириш. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш. Профессор-ўқитувчиларнинг тадқиқотчи сифатида нашр фаоллигини ривожлантириш. Халқаро илмий-техник маълумотлар базалари ва уларнинг тавсифлари. Илмий мақолаларга қўйилган талаблар, мақолани тайёрлаш, чоп эттириш тартиблари. Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Web of Sience тизимлари асосида такомиллаштириш.

## **1.3. Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш.**

Профессионал ўқитувчи шахси. Педагогнинг компетентлиги ва креативлиги. Педагогнинг касбий профессионаллиги ва уни инновацион фаолиятда намоён бўлиши. Касбий-педагогик тайёргарлик жараёнида таянч (soft skills), маҳсус (hard skills) компетенциялар мазмуни. Модулли-компетентли, интегратив, инновацион-креатив ёндашувлар. Таълим жараёнини лойиҳалаш ва моделлаштириш педагогнинг касбий профессионал ижодкорлигини ривожлантириш омили.

Ўқув машғулотларининг замонавий турларини (войиҳа, аралаш таълим, виртуал лаборатория, дебат) ташкил этиш ва ўтказиш методикаси. Талабаларда танқидий, ўзини-ўзи (мотивацион, интеллектуал, амалий-фаолиятли, фаол коммуникация ва жамоавий иш) ривожлантириш ва креатив фикрлашни шакллантириш усуллари (дизайн-фикрлаш, скампер ва х.қ.). Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг замонавий шакллари.

Steam-таълим (Science – аниқ фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – техник ижодкорлик, Art – ижодий санъат, Mathematics – математика) ва STREM-таълим (фан, технологиялар, робот техникаси, инженерия ва математика) хусусиятлари.

## **П. ПЕДАГОГНИНГ АХБОРОТ ВА КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

### **2.1. Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш.**

Рақамли технологиялар ва уларнинг дидактик имкониятлари. Таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида такомиллаштириш. «Электрон университет» ва унинг хусусиятлари.

Вебинар, онлайн маъруза, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга жорий этиш. Масофавий таълим платформалари ва улардан фойдаланиб, таълим жараёнларини ташкил этиш.

Таълим жараёнларида «булутли технологиилар»дан фойдаланиш. Булутли технологиилардан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Мультимедиали интерактив ўқув-услубий кўлланмаларни ва электрон таълим ресурсларини яратиш, улардан таълим тизимида фойдаланиш. QR-код ва ундан фойдаланиш.

Педагогик фаолиятда интерактив инфографика воситаларидан фойдаланиш.

### **2.2. Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.**

Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили (English for Specific Purposes) – касб соҳасидан келиб чиқиб инглиз тилини ўргатиш. Касб соҳа вакиллари томонидан минимал грамматика (Present Indefinite Tense, Present Continuous Tense, Past Indefinite Tense, Future Indefinite Tense) ҳамда соҳага оид фаол сўзларни (минимал 400) ёддан билиши. Грамматика ва лексикани коммуникатив мақсадларда ўргатишга замонавий ёндашув. Инглиз тилида аутентик вазиятларни таҳлил қилиш. Тингловчиларда аутентик вазиятларга оид: e-mail ёзиш, сўзлашиш (илмий йўналиши ҳакида), тушуниш (жараённи тинглаб тушуниш) ва ўқиб тушуниш (газета ва журналлардаги касб соҳасига оид мақолани ўқиши) кўникмаларини ривожлантириш.

Соҳага йўналтирилган мавзуларда тил кўникмаларини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитишни лойиҳалаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўникмаларини ўзлаштириш, илмий матнларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулоқот стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш.

Кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар: Шахс ва шахсият. Озиқ-овқат. Сиҳат-саломатлик. Оилавий қадриятлар. Шаҳар ва қишлоқ ҳаёти. Дам олиш ва спорт билан шуғулланиш. Касб-хунар ва ишбилармонлик. Оммавий ахборот. Муносабатлар. Тиббиёт, илм-фан, замонавий технологиялар соҳасидаги этика масалалари.

Резюме тўлдириш, маданий ҳордик, телефонда сухбат. Саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, бизнес фаолият, қашфиётлар, санъат, фан, таълим ва технология соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Соҳага оид давринг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш.

### **III. МУТАҲАССИСЛИК ФАНЛАРИ**

#### **3.1. Мусиқа таълими фанларининг инновацион тараққиёти ва ривожлантириш стратегиялари.**

Мусиқа таълимининг ғоялари, назариялари, қонуниятлари ва тамойиллари ва замонавий концепциялари. Мусиқа таълимининг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари ва йўналишлари. Методология ва замонавий методологик ёндашувларни танқидий таҳлил ва таснифлаш. Мусиқа таълими фанлари интеграцияси натижасида шаклланган соҳа тармоқлари ва уларнинг илмий-тадқиқот методлари ва уларни ривожлантириш стратегиялари. Мусиқа таълими ўқитувчиларини тайёрлашнинг илмий-тадқиқот масалалари. Мусиқа таълими ўқитувчисига қўйиладиган замонавий талаблар. Ўзбекистон Республикасида мусиқа таълимини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари ва замонавий талаблари. Ўзбек мусиқа мероси қатламлари, халқ мусиқаси, оғзаки анъанадаги касбий мусиқа, достончилик ижодиёти, фольклор ва мақом санъати, уларнинг қадимий тарихи ва фалсафий илдизлари. Мусиқа санъати йўналишларида илмий-назарий тадқиқотлар, ўқув-услубий адабиётлар яратиш, “Устоз-шогирд” мактаблари.

#### **3.2. Мусиқашунослик, этномусиқашунослик қонуниятлари, ўқитувчининг ижрочилик маҳорати асослари.**

Ўзбек мусиқашунослиги асослари, унинг шаклланиш даврлари, дунё мусиқашунослик илмини ривожланишидаги аҳамияти. Этномусиқашунослик, унинг халқ ижодиётидаги ўрни ва аҳамияти. Ўзбек мусиқасининг таркиб топиш қадриятлари, анъана, қадрият, урф-одат, маросим мусиқаси ва унинг мусиқа ўқитувчиси фаолиятидаги аҳамияти. Ўзбек мусиқасида ижрочилик мактаблари, чолғу ижрочилиги мактаблари, хонандалик маҳорати асослари, ўқитувчининг мусиқий педагогик маҳорати, унинг ривожланиш босқичлари, аҳамияти, хусусиятлари. Мусиқа ўқитувчининг ижрочилик маҳорати, мусиқий маҳорати асослари. Мусиқий

асарларнинг такомиллашув босқичлари, чолғу ижрочилиги таркиби, жанри, ўзига хос аҳамияти ва тинглаш маданиятини шакллантириш талаби. Ўзбек миллий мусиқа чолғулари ва ижрочилик мактаблари. Хонандалик маҳорати асослари, жанрлари, таснифи ва уларда ижрочилик овоз созлари. Мусиқа ўқитувчисининг чолғу ижрочилиги ва хонандалик маҳоратини ўстириш бўйича амалий тажрибалар.

### **3.3. Мусиқа таълимни фанларини ўқитишнинг инновацион муҳитини лойиҳалаш.**

Инновацион таълим муҳитининг назарий асослари. Олий таълим мусиқа ўқитувчисининг инновацион педагогик фаолияти босқичлари. Мусиқий фанларни ўқитишнинг моҳияти, мазмуни, мақсади ва вазифалари. Олий таълим муассасаларида мусиқий фанларни ўқитишда қўлланиладиган шакл, метод ва воситалар. Мусиқий фанларни ўқитишда педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш. Мусиқий фанларни ўқитишда инновацион технологияларга асосланган маъруза, семинар, амалий, лаборатория ва мустақил таълим машғулотларини лойиҳалаштириш. Мусиқий фанларни ўқитишда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш. Мусиқий фанлар бўйича муаммоли вазият, Кейс-стади, ижодий топшириқларини ишлаб чиқиш методикаси. Мусиқий фанлардан дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар, электрон дарсликлар, портфолио, ўқув курсининг электрон-таълим ресурслари ва силлабусини яратиш технологиялари. Иқтидорли талабаларни аниқлаш, танлаш ва улар билан мақсадли ишлаш методлари.

### **3.4. Педагогик тадқиқот натижаларни таҳлил қилувчи ахборот тизимлари**

Касбий соҳасидаги педагогик тадқиқотларнинг ўзига хос ҳусусиятлари. Педагогик тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказишдаги ёндашувлар. Педагогик тадқиқотларни таҳлил қилиш методлари. Педагогик тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш усуслари. Педагогик тадқиқотларда статистик методлар ва улардан фойдаланиш қоидалари. Танланмалар ва уларнинг турлари. Педагогик тадқиқотларда танланмалар хажми. Гипотеза ва уни шакллантириш. Гипотезаларни текшириш мезонлари. Корреляцион таҳлил ва унинг турлари.

Педагогик тадқиқотларга информацион ёндашувлар, тадқиқот натижаларини таҳлил қилувчи ахборот тизимлари ва дастурлари, “Педагогик статистика” дастури ва унинг имкониятлари. Корреляцион таҳлил алгоритми. Электрон жадваллар ва Статистика дастури ёрдамида корреляцион таҳлилини ўтказиш.

## **IV. Малакавий аттестация**

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўқув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган кўрсаткичлари), курсни тамомлагандан кейинги онлайн тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битирув ишини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Мустақил малака оширишни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Мустақил малака ошириш қуидаги шаклларни ўз ичига олади: очик ўқув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъодли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ҳимоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсини кузатадилар ва таҳлил қиласидилар ҳамда кафедра аъзолари иштирокида талабалар груҳи учун 1 та очик дарс ўтказадилар. Очик дарс таҳлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар хулосалари кафедранинг йиғилишида муҳокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Шунингдек, мустақил малака ошириш жараёнида тингловчи қўйидаги билим ва кўникмаларини ривожлантириши лозим:

- таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашни ташкил этиш, кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш;
- ўқув машғулотларининг ҳар хил турлари (маъruzалар, амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари, курс ишлари лойиҳалари, малака бўйича амалий машғулотлар)ни ташкиллаштириш;
- талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш, таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти, талабаларнинг билим ва кўникмаларини назорат қилишни ташкил этиш ва илмий-методик таъминлаш, иқтидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методларини билиш ва амалда қўллаш;
- олий таълимда менежмент ва маркетинг асосларини билиш ва амалий фаолиятга татбиқ этиш.

мустақил таълим олиш йўли билан ўз билимларини такомиллаштириш.

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қофоз вариантдаги манбалардан фойдаланилади.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### **II. Норматив-хукуқий хужжатлар**

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши қурашиб тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи “Ўқитувчи ва мураббийлар—янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суюнчимиздир”. Халқ сўзи газетаси 2020 йил 1 октябрь, №207 (7709).

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февраль, “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4623-сонли қарори.

### **III. Махсус адабиётлар**

21. Sharipova G.M., Asanova D.F., Xodjayeva Z.L. Musiqa 0‘qitish nazariyasi metodikasi va maktab repertuari. –Т. 2014. –Б. 108.

22. Sharipova G.M., Tojiyeva. G.T. Musiqa metodikasi –Т. 2012 -В.242.

23. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.

24. Гулобод Құдратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Аңъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

25. Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраимов. – Т.: “Lesson press”, 2020. 112 бет.

26. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.

27. Когоутек Ц. Техника композиции в музыке XX века М., 2015.

28. Корниенко Е.Р. Педагогика: учебное пособие для иностранных студентов / Е.Р. Корниенко. – Архангельск: Изд-во Северного государственного медицинского университета, 2015. – 147 с.
29. Кох М. Н. Основы педагогики и андрагогики: учеб. пособие /М. Н. Кох, Т. Н. Пешкова. – Краснодар: КубГАУ, 2015. – 90 с.
30. М.Матякубов “Анъанавий ижрочилик услубияти” -Т. 2015 й.
31. Муслимов Н.А ва бошқалар. Web технология асосида электрон ахборот таълим ресурсларини яратиш ва уларни амалиётга жорий этиш. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 120 б.
32. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
33. Муслимов Н.А ва бошқалар. Педагогик компетентлик ва креатив асослари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 120 б.
34. Никишина И.В. Инновационная деятельность современного педагога. Методическое пособие. – 2012. 76 с.
35. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова ; М-во образования и науки РФ ; ФГАОУ ВО «УрФУ им. первого Президента России Б.Н.Ельцина», Нижнетагил. технол. ин-т (фил.). – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с.
36. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. [https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3.\\_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf](https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3._UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf)
37. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.қўлл. – Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013.–115 б.
38. Савельева С.С. Педагогические условия формирования профессиональной компетентности учителя в образовательном процессе вуза: монография. – Воскресенск, 2012. – 218 с.
39. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. Книга 16 / О.К. Асекретов, Б.А. Борисов, Н.Ю. Бугакова и др. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с.
40. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш.–Т.: “ТКТИ” нашриёти, 2019.
41. Хакназаров З. – О дирижировании, Т., 2011, изд-во “Musiqa”
42. Шарипова Г.М. Мусиқа ва уни ўқитиши методикаси. -Т.: ТДПУ, 2014
43. “Dirigiren fur Chorleiter”. Christfried Brodel. Barenreiter Verlag Karl Votterle GmbH&Co.KG, Kassel, 2014, German
44. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.

45. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.
46. Mitchell H.Q. “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.
47. Mitchell H.Q., Marilena Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
48. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
49. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.
50. The Techniques Orchestral Conducting by Ilya Musin. (Translated by Oleg Proskurnya), Edwin Mellen Press Ltd, 2014, USA

#### **IV. Интернет сайтлар**

51. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
52. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
53. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
54. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET
55. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

**“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:**

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар  
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини оширишни ташкил этиш  
Бош илмий-методик маркази  
Директор \_\_\_\_\_ Т.Т.Шоймардонов  
“\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2020 й.  
М.Ү.

**“КЕЛИШИЛГАН”:**

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини  
oshiришни ташкил этиш ҳамда  
мувофиқлаштириш бошқармаси  
Бошқарма бошлиғи \_\_\_\_\_  
Ф.Т.Эсанбобоев  
“\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2020 й.  
М.Ү.

Тошкент давлат педагогика университети  
Ректор \_\_\_\_\_ А.Ю.Умаров  
“\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2020 й.  
М.Ү.

Тошкент давлат педагогика университети  
хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш  
ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ  
маркази

Директор \_\_\_\_\_ Н.А.Муслимов  
“\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2020 й.  
М.Ү.

